Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 7 октябрь, шанба. №123 (21.886). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 октябрь куни Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпойгонийни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпойгонийнинг Ўзбекистондаги элчилик фаолияти давомида ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ривожи ва халқларимизнинг дўстона алоқалари мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Эрон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар азалдан равнақ топиб келган, мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига хизмат қилувчи ушбу хайрли анъана бундан буён ҳам давом этади, деди Президентимиз.

Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпойгоний Ўзбекистондаги элчилик фаолияти ниҳоясига етганини билдириб, ушбу давр мобайнида икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиши учун хизмат қилганидан чуқур фахр туйғусини ҳис этишини изҳор қилди. У Ўзбекистондаги улкан ижобий ўзгаришларнинг бевосита гувоҳи бўлганини таъкидлаб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада ривож топади, дея умид билдирди.

(ЎзА).

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни мамлакатда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман!

Она-Ватанимизнинг улкан хирмонига 310 минг тонна «оқ олтин» топшириб, муносиб ҳисса қўшган андижонликларнинг бу катта меҳнат зафари мавсум бошидан буён илғорлар сафига ўтиб, ўз иродаси, ўз иймонига ишониб, сидқидилдан қилинган ҳалол меҳнат натижасидир.

Бу ғалаба, авваламбор, миришкор, қадоқ қўлли, лафзи ҳалол деҳқонлар, ишнинг негизини биладиган бригада бошлиқлари, тажрибали хўжалик етакчиларининг баҳамжиҳат амалга оширган ишлари, туман ва вилоят раҳбарларининг ташкилотчилиги самарасидир.

Бундай ғалабага етиш учун ғайрат-шижоат, мардлик, ваъдага вафо сингари эзгу фазилатлар талаб этилади. Бу фазилатлар бизнинг заҳматкаш халқимизга хос азалий хусусиятлардир. Қадимий Андижон элининг уста пахтакорлари бу мавсумда ана шу олижаноб хусусиятларни яна бир бор ёрқин намойиш этдилар.

Сизларнинг бу ғалабангиз барчани қувонтиради, белгиланган режаларимизни адо этишда ишонч ва қанот бағишлайди.

Мана шундай ютуқлар давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳамлашга, унинг қудратини юксалтиришга бебаҳо ҳисса қўшади. Мана шундай меҳнат ғалабаларимиз бизни кўзлаган улуғ мақсадларимизга етказади.

Бугунги қувончли кунда сизларни эришган улкан зафарингиз билан яна бир карра муборакбод этаман!

Қўлингиз дард кўрмасин, ҳорманг-толманг, азиз пахтакорлар! Қалбингиз доимо хурсандчиликка тўлсин, бахту саодат, омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

„Оқ олтин" хирмонига

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 6 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
Андижон	1,07	100,46
Хоразм	1,26	90,07
Наманган	1,95	84,85
Фарғона	1,40	84,37
Бухоро	1,27	80,98
Навоий	2,41	77,54
Қашқадарё	2,43	76,17
Тошкент	3,03	66,36
Қорақалпоғистон Республикаси	1,52	65,67
Сурхондарё	1,41	64,94
Самарқанд	2,10	61,19
Сирдарё	2,70	54,92
Жиззах	2,50	53,43
Республика бўйича	**1,89**	**72,96**
1994 йилда	**2,42**	**60,11**

ҚИЗИЛТЕПА ДУРДОНАСИ

Қизилтепа туманидаги «Тошработ» жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Эл хирмонига 3250 тонна «оқ олтин» армуғон этилиб, 35 центнердан ҳосил кўтарилди. Шунингдек, тумандаги «Ворозин» жамоа хўжалиги заршунослари ҳам эл хирмонига 2200 тонна саноат хом ашёси армуғон этишиб, йиллик режани уддалашди. Айни кунларда ҳар икки хўжалик деҳқонлари юксак мажбурият ҳисобига ҳосил топширишяпти.

Тошработликлар ҳам, ворозинликлар ҳам ҳосилдорликни 40 центнерга етказишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛТИ ХЎЖАЛИК МАРРАДА

Боёвут туманидаги Ш. Рашидов номли ва Т. Латипов номли хўжаликларнинг пахтакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб, зафар маррасини эгалладилар. Ҳосилдорлик ҳар икки хўжаликда 27 центнерданни ташкил этди. Энди 30 центнерлик марра учун кураш давом этмоқда.

Боёвут туманида зафар қучган хўжаликлар сони олтитага етди. Туман деҳқонлари ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб ғалаба маррасини эгаллашга ҳаракат қилишяпти.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕҲҚОН ХАЗИНАСИ

Ўзбекистон туманидаги С. Азизов номли жамоа хўжалигининг Баҳодиржон Абдиалиев раҳбарлик қилаётган учинчи участкаси заршунослари «Фарғона-3» навли пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозиргача йиғиб-териб олинган «оқ олтин»нинг ялпи миқдори 1.500 тоннага етди. Режа ошириб бажарилди. Ана шу муваффақиятга эришишда илғор теримчилардан — Лобархон Йўлдошева, Ҳавохон Шералиева, Лобархон Пирматоваларнинг ҳиссаси катта бўлди. Эргашали Алиқулов, Темурхўжа Эшонқуов, Расулжон Йўлдошев, Раҳмонали Отабоев, Норматжон Эргашев, Умаржон Йўлдошев каби дала миришкорлари ҳам ҳамкасбларига ўрнак бўлишди. Дастлабки марра эгалланган бўлса-да, пахтазорларда йиғим-терим суръати бир дам сусайтирилгани йўқ. Участка заршунослари яна 350 тонна дурдона армуғон этиб, ҳосилдорликни 38 центнерга етказиш ниятида.

С. ҲАЙДАРОВ, Фарғона вилояти.

БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

• НАМАНГАН. Чортоқ тумани пахтакорлари Наманган вилоятида биринчи бўлиб йиллик режани бажардилар. Ҳосилдорлик 32 центнерга етказилди. Тайёрлов пунктларига жами 8 минг 300 тоннадан зиёд пахта топширилди.

«Чортоқ», «Ўзбекистон», «Октябрь» жамоа хўжаликлари туман хирмонига катта ҳисса қўшдилар. «Москва» жамоа хўжалиги пахтакорлари эса ҳосилдорликда туман бўйича энг юқори натижага эришди. Улар гектаридан салкам 45 центнердан «оқ олтин» топшириб, ялпи хирмонни 1800 тоннага етказишди.

Вилоятнинг Норин, Учқўрғон, Наманган, Уйчи туманлари ҳам эртаиндин ғалаба маррасини эгаллаш сари интилишмоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОРАЗМ. Хонқа тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасига етдилар. Давлат қабул пунктларига 25 минг тонна сифатли пахта етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнерни ташкил этди. Бугунгача 6 та жамоа хўжалиги, 78 та пахтачилик бригадаси, 4500 ижарачи йиллик пахта тайёрлаш режасини муваффақиятли адо қилдилар. Улкан пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган «Ғалаба», «Олтин соҳил», «Янги ҳаёт», «Хоразм», Охунбобоев номли, Ал Хоразмий номли жамоа хўжаликларининг уста пахтакорлари шу кунларда ҳам терим суръатини бўшаштирмаяптилар.

Туман заршунослари умумий хирмон салмоғини 40 минг тоннага етказишни мақсад қилиб қўйганлар. Шунингдек пилла, бўғдой сотиш юзасидан белгиланган йиллик режани ошириб адо қилган деҳқонлар кузги дала ишларини ҳам қизитиб юбордилар. Бугунгача 4 минг гектардан зиёд майдонга кузги бўғдой уруғи қадалди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРҒОНАЛИКЛАР ЖИЗЗАХДА

Республикамизда ишчи кучи кўп вилоятларнинг ўрим-терим мавсуми пайтида ахолиси сийрак вилоятларга ёрдамга юборишга ҳайрли анъанага айланмоқда. Шу йил ғалла ўрими пайтида ўнлаб фарғоналик механизаторлар ўз комбайнлари билан Жиззах вилоятига ғаллазорларида ўримда қатнашиб катта ёрдам беришган.

Пахта терими мавсумида ҳам бу анъанани давом эттиришга қарор қилинди. Шу кунларда фарғоналик 6 мингдан зиёд теримчи кўнгилли тарзда Жиззах вилояти пахтакорларига ёрдам бериш учун жўнаб кетишди. Улар ҳозир қўриқ ўлка пахтазорларида етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида териб олишда фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮЗ ЮВИШДЕК ЗАРУРАТ

Сира эсимдан чиқмайди: болалигимизда дадам ҳар куни ишдан қўлтиқларида бир даста газета-журнал олиб келардию, ёстиқларининг остига яшириб қўярди. «Нега беркитасиз дада? Келинг, суратларини бир қўриб чиқай...» десам, «Э, оғалар буларнинг қадрига етишингга ҳали бор. Дастурхон қилиб ёки у-бу нарса ўраб юборишларингдан қўрқаман. Шошмай тур, мен ўқиб чиқай, кейин қурасан,» деб барибир бермасди. Агар бирор шеър ёки мақола жуда ёқиб кетса, овоз чиқариб ўқир, кейин эса магазин биттабитта чақиб, бизга тушунтириб қўярди. Саҳифаларни салмоқлаб ўқитаётганда дадамнинг овози менга яна ҳам ёқимлироқ эшитилгандек туюларди.

Хуллас, биз ҳаммамиз уйимизга келган газета ва журналларни дадам ўқиб бўлганларидан сўнггина варақлаб чиқардик. Шу-шу, эсимни танибманки, дадам учун газета ўқиш эрталабки юз ювишдек унутиб бўлмас бир эҳтиёж, бир заруратдир. Ҳозир ҳам у киши учун Тошкентдан олиб борадиган энг ноёб совғам янги чиққан нашрлардир.

Мана, дадам айтган пайтлар келди — газета ва журналларнинг қадрига етадиган бўлдик. Балки болаликда кўрганларим, эшитганларим туфайли матбуотга, бадиий адабиётга меҳрим тушиб, у ҳаётимнинг мазмунига айланиб боравётгандир. Ҳар куни эрталаб ишга келаётиб «Мустақиллик майдони» бекатида рўзномаларга навбатда турган одамларга кўзим тушиши билан беихтиёр кайфиятим кутарилиб кетади.

«ОБУНА — 96»

Ахир биз тан олган Японияда отаоналар фарзандларини боғчага топшириш учун мамлакатда мавжуд 30 дан ортиқ болалар нашрларининг ҳеч бўлмаганда 6 тасига обуна бўлишлари шарт экан. Ҳали ўқишни, ёзишни билмайдиган кичкинтойларга қўйиладиган талаб шунча! Шу кичкина мисолнинг ўзиёқ болаликда уйғонган меҳрнинг, ихлоснинг ниҳоятда мустаҳкам бўлишига ишорадир. Лекин халқимизда: «Қуш уясида қурганини қилади» деган гап ҳам бор. Демак, ота оналар учун энг одил ҳакам уларнинг тарбиялаётган фарзандларидир.

Одамларнинг оғзига қараб — кимдан нима гап эшитаркинман деган ҳадик билан яшаш осонмас. Турли ваҳимали миш-мишларга эмас, энг аввало ўз кўзимизга, кўнглимизга ишонганимиз дуруст. Ахир: «Зиёли халқнинг фарзандимиз. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийларнинг авлодларимиз» деб мақтанишни билган киши оламда, юртимизда, ён-атрофимизда нима гап эканлигидан ҳам бохабар бўлиши керак-да! Бунинг учун матбуотга яқинроқ бўлишимиз, кўпроқ ўқишимиз, фарзандларимизни ҳам ўзимизга эргаштиришимиз керак. Қолаверса, битта гап газета юзини кўргунча қирқ чиғириқдан ўтади. Шундай экан топган даромадингизнинг бир қисмини обуна учун сарфласангиз ҳеч қачон афсусланмайсиз. Ундан барча оила аъзоларингиз бирдек баҳраманд бўладилар. Келгуси йилда эски қадрдонингиз «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси ҳам илгаридай Сизнинг севимли нашрингиз — маънавий мулкингиз бўлиб қолади деган умиддамиз.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Фуқаролар учун обуна баҳоси
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 1210,80 сўм.
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

САРМОЯ АЖРАТИШГА ШОШИЛМАЯПТИ

Украина Ғарб мамлакатларининг кўмагисиз иқтисодий таназзуддан чиқа олмайди, деб баёнот берди Президент Леонид Кучма журналистлар билан суҳбатда. Президентнинг фикрича, ривожланган Ғарб давлатлари Украинанинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан барқарорлашувини кутар экан, мамлакатга сармоя киритиш учун ҳеч ҳам шошилмаяптилар. «Улар бизга турли шартлар қўйиш билан овора, айни пайтда эса мамлакатдаги иқтисодий аҳвол кун сайин ёмонлашиб бормоқда», деб таъкидлади Президент Леонид Кучма.

Шунингдек, Украина давлати раҳбари мамлакатнинг қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимиятлари ўртасидаги узаро тушунмовчилик катта иқтисодий зарар келтираётганини айтган.

СИЁСИЙ ЖИНОЯТЛАРДА АЙБЛАНМОҚДА

Грузия давлати раҳбари Э. Шеварднадзенинг матбуот хизмати Грузия хавфсизлик хизмати собиқ раҳбари И. Георгадзенинг Россия телеканалларидан бирида пайдо бўлиши муносабати билан норозилик баёноти берди. Маълумки, И. Георгадзе Грузия давлати раҳбари жонига суиқасд уюштиришда ва бошқа бир қанча сиёсий жиноятларда айбланмоқда. Грузия ҳуқуқ-тартибот вакилларининг хабарига кўра, у шу кунларда Москвада яшаяпти. Россия бош прокуратураси И. Георгадзени зўрлик билан тутиш ва Грузия ҳукуматига топшириш ҳақида Ички ишлар вазирлигига топшириқ берган эди. «Халқаро миқёсдаги террорчига Россия телевиденнесидан минбар берилиши бизни чуқур ҳайратга солди», дейилади мазкур баёнотда.

ЭЛЬТА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Литва телеграф агентлиги — Эльта ҳукумат қарори билан қайта ташкил этилди. Энди агентлик ҳиссадорлик жамиятига айланди. Акцияларнинг 20 фоизини агентлик ходимлари сотиб олиши мумкин, 80 фоизи эса республика Вазирлар Маҳкамасига тегишлидир. Кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси ўз ихтиёридаги акцияларни, турли оммавий ахборот воситаларига сотиш ҳақида ваъда берган. Эльта агентлиги раҳбариятининг фикрича, энди улар хўжалик муаммоларини мустақил ҳал этиш имкониятига эга бўлганлар.

НАТОГА АЪЗО БЎЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ

Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Повилас Гиляс «Диена» газетаси мухбири билан суҳбатда Москвадаги оммавий ахборот воситаларининг Россия мудофаа доктринаси ҳақидаги хабари Россия Федерациясининг раҳбариятининг расмий фикрини акс эттирмаслигини таъкиллади. Россия газеталаридаги айрим хабарларга биноан, мазкур мудофаа доктринаси Болтиқбўйи республикаларининг НАТОга аъзо бўлиши билан боғлиқдир. Докторинага кўра, агар ушбу республикалар НАТОга аъзо бўлиб кирса, Болтиқбўйида Россия ҳарбий қўшинлари жойлаштирилиши лозим.

Литва Бош вазири Адольфас Шлежявичус ҳам ушбу хабарлар ҳақида фикр билдириб, биз Москванинг «сиёсий тазйиқи»дан таҳликага тушмаймиз, республикамиз хавфсизлигини таъминлаш эса НАТОга аъзо бўлиш билан боғлиқдир, деган.

ҲАРБИЙ МАШҚЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

АҚШ қуролли кучлари Америка — Россия ҳамкорлигидаги «Тинчлик орнатувчи — 95» номли ҳарбий машқларга тайёргарлик кўрмоқда. Мазкур ҳарбий машқлар 17 октябрь куни Канзас штатида ўтказилиши керак. Бироқ, Пентагоннинг фикрича, Россия мазкур ҳарбий машқларда иштирок этишдан бош тортиши ҳам мумкин.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Тадбиркорлик

ҚИШЛОҚДА КОРХОНА ЦЕХИ

СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Бу ердаги вино ишлаб чиқариш заводи яқинда Оқолтин туманидаги Р. Мусамуҳамедов номли давлат хўжалигида узумни қайта ишлаш цехини ишга туширди. Ҳозир бу ерда соатига 20 тонна маҳсулот қайта ишлаб чиқарилмоқда.

— Ҳом ашё мунтазам етказиб бериб турилса, — дейди завод бош муҳандиси Абдураҳмон Туробов, — корхонанинг бу филиалида 3 минг тоннадан зиёд узумни қайта ишлаш мумкин бўлади. Ҳозир цехда 10 киши фаолият кўрсатяпти. Яқин вақт ичида уни қўшимча ускуналар билан жиҳозлаб, кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ.

Кулайлик

ФАХРИЙЛАРГА ТЕКИН КИНО

• БУХОРО (мухбиримиздан). Вилоят ҳокимининг қарори билан бухороликлар уруш қатнашчилари ўзига хос имтиёзга эга бўлдилар.

Уруш фахрийлари кинозалларида турли фильмларни бепул томоша қилишлари мумкин. Шунингдек, отахонлар ичимлик ва оқава сувлар тўловларидан ҳам озод этилди. Уруш ногиронлари эса телефон ва радио хизматларидан фойдаланганлик учун 50 фоизли тўлов имтиёзига эга бўлдилар. Кексалар ўзларига яратилган бундай эътибордан беҳад миннатдор.

Даврон БАҲРОНОВ.

Кадриятларимиз

ШОИРГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧАЛАР

• НУКУС (мухбиримиздан). Таниқли қорақалпоқ шоири Тиловберген Жумамуротов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан турли учрашув ва адабий кечалар уюштирилмоқда.

Бундай йиғинлардан бири Бердақ номли Қорақалпоқ Давлат университети маданият саройида бўлиб ўтди. Кечада Ўзбекистон Фанлар академияси академиги А. Давлетов шоир ҳақида илиқ гаплар айтиб, йиғилишни очди. Шундан кейин адабиётшунос К. Султонов Тиловберген Жумамуротовнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилди. Кеча охирида шоирнинг асарларидан намуналар ўқилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Қўнғироқ

Вилоят деҳқончилик саноат уюшмасининг зироатчилик бўлими бошлиғи М. Камолитдиновдан, бу йил Сурхондарёда қанча шоли етиштирилади, деб сурасам: «Телевизордан эшитмадингизми? Телевизор, 30 минг тонна» деди-ку, — деди.

— Телевизор нима деса...

— Ҳа, телевизор нима деса — шу бўлади, — дейди яна қатъий қилиб Камолитдинов.

— Телевизор ўтган йили ҳам вилоят 30 минг тонна шоли беради деган эди-да. Лекин 14 ярим минг тоннами бўлиб қолди-ёв... Режа ярим-ёрти даражада... Телевизорнинг айтгани келмади.

—Бу йил келади. Ҳамма шанс бор. Яхшиси, мана шоличиликнинг каттаси — Усмон Тожиев билан гаплашинг, — деди бошлиқ.

Усмон Тожиевнинг телефон трубкасини оғринибгина олганини сезаман.

ТЕЛЕВИЗОР НИМА ДЕСА ШУ... БЎЛАВЕРМАЙДИ

— Ўттиз эмас, 25 минг тонна бўлади. Янаям аниқроғи — 25 минг 600 тонна, — дейди Тожиев қорни оғриётган мисоли инграгандай бўлиб. — Бу йил 7092 гектарга уруғ сепганмиз. 6498 гектарча ўрилса керак.

— Ҳосилнинг чўғи қандай? Комбайнчиларчи?

— Ҳосил ёмон эмасдир, - дейди у. — Комбайнларни механизация бўлимидан сўрайсиз. Ўрим бошланди, деб ёзаверинг.

Шу суҳбатдан сўнг Музработ тумани деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Раҳматулла Худойбергановнинг ҳузурида бўлдим. Сабаби — вилоятда етиштириладиган шолининг асосий қисми, ўша 25600 тоннанинг 22080 тоннаси шу туманда етиштирилади. Мен Худойбергановга, ўша Усмон Тожиев билан салом-алик қилиш анча оғирлашиб қолганини эслатдим.

— Бизнинг ҳам рангларимизни сарғайтириб юборди-ю ўша идорадагилар, — дейди Худойберганов ҳасратини эшитишга одам топилгандан ваҳти хуш бўлгандай бўлиб, — ўғит деймиз, вақтида ўғит йўқ. Фонд йўқ. Балтургидан шоли учун 30 фоиз ўғитни кам олганимиз устига, борини ҳам вақтида ололмаганимиз учун кеч озиқлантирдик. Ўғит қўлда сепилди. Ана энди ўримни бошладик. Комбайнларнинг кўпи — носоз. Тумандаги йирик шоличилик жамоаси Ат-Термизий номли хўжаликнинг раиси Шопўлат Худойбердиев ҳам Худойбергановнинг гапини такрорлайди: хўжалик банкдан 21 миллион сўм қарздор. 38 комбайннинг 15 таси соз, холос. Бу ўрим бошланган кунлардаги статистика. Ғалла ўримига сафарбар қилинган шоли комбайнларини ишга қўшиш айниқса қийин бўлиб турибди. Тезроқ ўриб олинмаса, ҳосилни чумчуқ нобуд қилади.

Хуллас, амалий иш бўлмай муносабат эскичасига давом этаверса, Сурхондарёнинг бозорларида гуруч тобора қимматлашиши турган гап.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

CENTRAL ASIAN — AMERICAN ENTERPRISE FUND

Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди

Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан лойиҳаларни маблағ билан таъминлашнинг умумий миқдори* 17.940.000 *АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон

КАНОП

сочилувчан маҳсулотлар учун қопларни ишлаб чиқариш

Қозоғистон

МАТЬ И СЫН

кийим-кечакларни ишлаб чиқариш

Ўзбекистон

ТИНЧЛИК

пахта ипини ишлаб чиқариш

Ўзбекистон

БУХОРО МАРМАР

мармар плиталар ишлаб чиқариш

Тожикистон

ДЎСТИ АМИРХОН

салқин ичимликлар ишлаб чиқариш

Ўзбекистон

ШОДЛИК

тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш

Ўзбекистон

ТОЛИБ

ғишт ишлаб чиқариш

Қозоғистон

ЭЛ КОЛИГИ

олис масофага қатнайдиган юк ортувчи катта автомобилларга техник хизмат кўрсатиш

Қозоғистон

КАРАВАН

матбаачилик иши

НЬЮ-ЙОРК: 595 MADISON AVENUE New York, NY. 10022-1907
Тел: (212) 826 2100.
Факс: (212) 371 2587.

АЛМАТИ: Қозоғистон Республикаси, Алмати, Сейфуллин кўчаси, 531-уй.
Тел: (3272) 63-70-86, 63-90-15.
Факс: (3272) 69-45-89.

ДУШАНБЕ: Тожикистон, Душанбе, Лоҳутий кўчаси, 14-уй.
Тел: (3772) 27-95-24, 23-26-62.
Тел/факс: (3772) 21-28-88.

ТОШКЕНТ: Ўзбекистон Республикаси, 700066. Тошкент, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй.
Тел: (3712) 44-20-86, 45-57-47, 45-57-51, 45-57-56, 45-62-48.
Факс: (3712) 89-11-38.

БИШКЕК: Қирғизистон, Бишкек, Чуй шохкўчаси, 219-уй.
Тел: (3312) 22-58-29.
Факс: (3312) 62-01-24.

АШГАБАД: Тел/факс: (3632) 25-20-71.

ДУРУ ЖАВОҲИРГА ТЎЛА ДИЁРИМ, ЗАФАРИНГ МУБОРАК, АЛП АНДИЖОНИМ!

Пахта йиғим-теримининг қувончли қунлари келди. Вилоятимиз меҳнаткашлари юртимиз тарихида ўзига хос ўрин тутувчи ғалабага эришдилар. Давлат омборларига 310 минг тоннадан зиёд пахта топширилиб, йиллик режа 30 иш кунида бажарилди.

Ўтган йилнинг кузидан бошлаб эрта баҳору ёздаги шижоатли меҳнат натижасини берди. Эртаки ва мўл пахта ҳосили етиштирилди. Белгиланган марра жуда қисқа муддатларда забт этилди. Андижонлик танти пахтакорлар нималарга қодир эканликларини амалда кўрсатдилар. Уста пахтакор, миришкор деҳқонларга хос иш тутилди. Ваъда вафоси билан улуғланди.

Фидойи деҳқонлар, уларга ҳамкор бўлган малакали мутахассислар, тармоққа тегишли соҳаларнинг ходимлари пахтанинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги аҳамиятини тўғри англадилар. Бир тан, бир жон бўлиб якдиллик билан ишладилар. Ҳосил йиғим-терими уюшқоқлик асосида ташкил қилинди. Ҳар қарич ер ҳисобда бўлган шароитда ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратилди. Илғор тажрибалардан самарали фойдаланилди. Мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ терим маромини кўтарилди. Ҳосилни тез, соз йиғиб олиш шу қуннинг асосий талабига айланди. Сентябрь ойиданоқ қуплаб бригада ва хўжаликлар белгиланган режа топширигини ошириб бажариб, мавсум илғорлари бўлдилар. Асака тумани меҳнаткашлари мамлакатимизда биринчи бўлиб зафар маррасини забт этди. Республикамиз Президенти табриги уларни янада яхши ишлашга илҳомлантирди. Пешқадам тумандаги «Ўзбекистон», «Навбаҳор», «Наврўз», «Ғалаба», «Ўзбекистон мустақиллиги», Ғ.Ёқубов номли, «Янги ҳаёт», Андижон туманидаги А. Исмоилов номли, И. Бакиров номли, Олтинкўлдаги «Коммуна», Марҳамат туманидаги Ў. Қораболев номли, «Пахтакор», Бобур номли, Тожибоев номли, Шаҳрихон туманидаги «Бўстон», «Дўстлик», Ғ. Жураев номли, академик Т. Саримсоқов номли, Избоскандаги «Шарқ юлдузи», Жалолқудуқ туманидаги «Пахтакор», Булоқбоши туманидаги Ойбек номли, А. Қаюмов номли, Қўрғонтепа туманидаги «Султонобод» сингари қатор хўжаликлар режани бажаришда пешқадамлик қилдилар. Унлаб жамоа хўжаликлари 120 фоизлик маррани эгаллаб пахта йиғим-теримини қизғин давом эттирмоқдалар.

Пахта йиғим-терими муваффақиятларида миришкор бригада бошлиқларининг ўзига хос ўрни бор. Андижон туманидаги И. Бакиров номли жамоа хўжалигининг Юнусали Болтабоев, Қўрғонтепа туманидаги «Дардоқ» ширкатлар уюшмасининг Ҳошимжон Ҳолматов, Асака туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалигининг Мухторжон Йўлдошев, Ғ. Ёқубов номли жамоа хўжалигининг Мамасоли Акбаров, Марҳамат туманидаги У. Қорабоев номли жамоа хўжалигининг Отахон Алиматов, «Пахтакор» жамоа хўжалигидан Жўра Ҳамдамов, Балиқчи туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг Валижон Деҳқонов, Шаҳрихон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Абдураҳим Давронов сингари миришкор деҳқонлар бошчилик қилаётган бригадалар гектаридан 30-45 центнердан ҳосил етиштириш бўйича беллашув голиблари бўлмоқдалар.

Мавсум арафасида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида хом ашёнинг харид нархлари оширилгани, терилган пахтага тўланадиган ҳақнинг кўтарилгани кўпчиликни хушнуд этди. Пахта терими қатнашчилари меҳнат ҳақларини вақтида олиб турганликлари учун хирмонга барака қўшилди. Асака туманидаги Ғ. Ёқубов номли жамоа хўжалигидан Ҳалимахон Юнусова, Марҳамат туманидаги Т. Мирзаев номли жамоа хўжалигидан Эътиборхон Абдураҳимова, Избоскан туманидаги «Пойтуг» ширкатлар уюшмасидан Нортожихон Қурбонова, Андижон туманидаги И. Патидинов номли жамоа хўжалигидан Фотимахон Азизова, Пахтаобод туманидаги Ёқубов номли жамоа хўжалигидан Ёркиной Исмонова, Жалолқудуқ туманидаги Тошматов номли жамоа хўжалигидан Ойимчахон Ашурова, Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигидан Муҳтабархон Ҳайдарова, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Сожидахон Мирзаева, Қўрғонтепа туманидаги «Савай» қишлоқ хўжалик-саноат уюшмасидан Дилфузахон Жабборова каби кўпмингкилограммчилар 7-8 тоннадан пахта тердилар. Вилоят хирмонига муносиб ҳисса қўшиб мўмай даромадли бўлдилар. Моҳир механизаторларимиз машиналарни унумли ишлатдилар. Минглаб ҳимматли ҳашарчилар, эшу кексалар, ЎзХДП аъзолари пахтакорларга мадад бериб, Андижоннинг меҳнат ғалабасини тезлаштирдилар.

Йиғим-терим тадбирларини уюшқоқлик билан ташкил этиш кутилганидек натижа берди. Белгиланган режаларни жуда қисқа муддатларда бажаришни таъминлади. «Оқ олтин» хирмонининг чўғи баракали, сифати юқори бўлди. Асака тумани азаматларидан сўнг Марҳамат тумани миришкорлари ғалаба зафарномасини битдилар. Ғолиблар қаторига Избоскан, Андижон, Пахтаобод, Жалолқудуқ, Олтинкўл, Шаҳрихон, Булоқбоши, Бўз, Хўжаобод туманларининг пахтакорлари қўшилдилар. Балиқчи, Қўрғонтепа, Комсомолобод туманларининг меҳнаткашлари ҳам режани уддалаш мақсадида мардона ишламоқдалар.

Пахтакорларимиз эришган ютуқ асосида барчанинг якдил бўлиб қилган меҳнатлари турганлигини таъкидлашни истар эдим. Кўкламдаёқ эртаки, салмоқли ҳосил етиштириш ҳаракати бошланди. Чигитни оби-тобида пуштага экиш усулига алоҳида эътибор берилди. Текис униб чиққан ниҳолларга яхши ишлов берилди. Ғўза парваришини йиғим-терим давригача давом эттирдик. Экинлар деҳқонлару мутахассислар ардоғида бўлди. Ҳосил теримига майдонлардаги ғўзаларнинг кўсаклари 70 — 80 фоизи очилгач тушдик. Бу пахта хирмонини тез ва сифатли бўлишига олиб келди.

Андижонда ҳар қарич ер ҳисобда. Аҳоли зич. Деҳқончиликни илғор технологияси ва усулларини қўллаш, ҳосилдорликни ошириш билан мақсадга эришиш кўпчиликнинг дастурхонини тўкин этади.

Пахтачилик билан бир қаторда ғаллачиликдаги муваффақиятларимиз тўғри йўлдан бораётганимизнинг ифодасидир. Бу йил ғалла ҳосилдорлиги гектаридан 44 центнердан ошди. Ўнлаб хўжаликлар, қатор туманларда 50 центнердан ҳосил олинди. Республика миқёсида ғалла етиштириш хусусидаги семинар-кенгашни вилоятимизда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Бу йиғин тупланган тажрибаларни кўпчилик билан ўртоқлашиш имконини берди. Вилоятимизда ердан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш амалга оширилмоқда. Бу борада Қўрғонтепа туманидаги «Қорасув», Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» жамоа хўжаликларида маккажўхори, сабзавот ва маржумак (гречиха) ҳамда кунгабоқар экиш тажрибаси ибратлидир. Қўлланилаётган тадбир туфайли ерни умри бекор ўтмайди. Ғалладан кейин экилган экин ҳосили жамоа хўжалигининг омборини, меҳнаткашлар бардонини тўлдиради. Бу хўжаликларда бошланган ишни оммалаштириши режалаяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг фермонларида, иқтисодий ислоҳот замирида қишлоққа саноатни юз буриши алоҳида долзарб вазифа экани қуриниб турибди. Қишлоқларда кичик корхоналар билан бир қаторда йирик қўшма корхоналар ташкил этиляпти. Ўзбекистон-Россия-Буюк Британия қўшма корхонасининг Андижон туманидаги Куйганёр томат пастаси заводи маҳсулотлари жаҳон андозаларига мос булаётгани барчамизни қувонтиради. Яқиндан бошлаб корхонада тайёрланаётган кетчуп Андижоннинг таърифини оламга ёяди. Шаҳрихоннинг Сегазақум қишлоғида қурилаётган «АНТЕКС» мажмуи ҳам келажакда юртимиз номини дунёга танитади. Бундай ишларни вилоятимизнинг бошқа қишлоқ ва туманларида ҳам амалга ошириш ҳаракатлари жадал бормоқда.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ҳозирги долзарб вазифалар қаторида бўлмоқда. Тадбиркорлар қўллаб-қувватланяпти. Мулк шаклини ўзгартирган қатор ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятида олдинга силжиш сезиляпти. Жамоа хўжаликлари ўрнида қарор топган фермер хўжаликларида илғарилаш юз бермоқда.

Юртбошимиз қатор маърузаларида «Биздан озод ва обод юрт қолсин» дея таъкидлайдилар. Айтилганидан тўғри хулоса чиқариб Андижонда унинг шаҳар ва қишлоқларида аниқ қуламдаги ободонлаштириш ишларини бажараяпмиз. Бунинг натижасида шаҳарлар қуркига кўрк қўшиляпти. Қишлоқларимиз марказида бири-биридан қолишмайдиган гўзарлар бўй кўрсатаяпти. Юртимиз чирой очяпти.

Юртимизни обод, элимиз дастурхонини тўкинлашишида пахтанинг ўрни беқиёс. Ҳосил хирмонимизнинг қанчалик баракали бўлиши эртанги кунимизнинг мустаҳкам иқтисодий замини ҳисобланади. Хўжаликлар ихтиёрида қоладиган тола миқдори қанчалик кўпайса деҳқонларнинг манфаатдорлиги ошади.

Пахтанинг қадр-қимматини тўғри баҳолаган Андижоннинг азамат деҳқонлари далалардаги ҳосилни кузнинг қўйшли қучоқларида саранжомлаш ҳамда бўғдойни октябрь ойида сифатли экишни таъминлайдилар. Ҳозир эса Андижоннинг Она-Ватанга армуғони янада салмоқли бўлиши, яъни режадан ташқари камида 30 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаш учун қураш давом этмоқда.

Одатда деҳқонларимиз пахта топшириш режасини бажарганларида «об-ҳаво қийинчиликларига қарамай қойил қилдик» деб таърифлайдилар. Лекин режани уддаламай қолганларида-чи? Унда ҳам об-ҳаво қийинчиликларини рўкач қилишади. Биз эса бу йил пахта йили бўлди, деб бемалол айта оламиз. Чунки кўкламдаёқ об-ҳаво ҳар томонлама қулай келди. Чигитни вақтида экиб, ундириб олдик. Ёзи билан ҳалол пешона тери тўкканимиз туфайли далаларимизда юксак хирмонга яраша ҳосил тўпланди.

Теримга ҳам ўз вақтида киришдик. Машина механизмлар вақтида таъмирлангани туфайли ўз вақтида ғўза баргини тўктириш ишлари қисқа муддатда якунланди. Шижоат билан теримга киришилди. Шу боис йиллик пахта топшириш режасини 19 иш кунида — 23 сентябрь куни бажардик.

Йиғим-терим чоғида ҳамманинг аҳиллиги, еримизнинг сахийлиги билинди. Ахир хирмон — хирмон «оқ олтин» тўкилди-да. Она-Ватанимизга салкам 3 минг тоннадан зиёд дурдона топширилди. Уларнинг барчаси юқори навларга қабул қилинди.

Шуниси қувончлики, етиштирилган ҳосилнинг анчагина қисми жамоа хўжалигимиз ихтиёрида қолади. Ана шу маблағ ҳисобига хўжалигимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаймиз. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ҳам кўпгина маблағ сарфлашни мўлжаллаб турибмиз.

Айни кунларда эса табиат бизни яна алқаяпти. Октябрь ойи бошланганига қарамай қўёш ҳамон чарақлаб турибди. Ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Шу боис ана шу илиқ кунларнинг ҳар бир дақиқаси қадрига етиб, йиғим-теримни бўшаштирмаяпмиз. Мўлжалимиз — йиллик режани 150 фоиздан ошириш.

Муҳаббат ҒУЛОМОВА,
Марҳамат туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

АРМУҒОН

ИСМАТУЛЛА ҚОБУЛОВ,
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ

Тонгларга уланиб кетди кундузлар,
Қаро тунлар бугун қаровсиз қолди.
Андижон кўксида ёнди юлдузлар —
Қуёшнинг тафтини пахтазор олди.
Севинчдан яйрайди бахтли далалар
Кўсаклар юраги ёрилиб кетиб.
Ул камтар пайкаллар сархуш чайқалар —
Танига бир дунё шонни беркитиб.
Пешона теридан сув ичган дала
Тонгдай ёруғ қилди юртим юзини.
Ухлата олмайди ҳеч қандай алла
Ўзбекистонимнинг уйғоқ кузини!

НУР ТЎЛГАН ЧАНОҚЛАР

Пахта термаганимга ўн йилдан ошиб кетди. Пахтазорни соғиндим. Баъзан қийғос очилган далалар тушларимга кирса — уларни ёруғликка, яхшиликка йўйиб хурсанд бўламан, ўзимча: «пахта ҳам гул-да, фақат ҳеч сўлмайдиган, қадри тиллоларга тенг бўлган гул» дей қўяман.

Бугун андижонликларнинг даласида ҳам, уйида ҳам, кўнглида ҳам байрам. Мўлжалланган режа муддатидан анча илгари бажарилди. Юртимиз хазинасини 310 минг тонналик Андижон пахтаси обод этди. Ростини айтсак, биз ҳам бундай тезкор ғалабани жуда-жуда соғинган эдик. Бундан 20-25 йиллар илгари Андижон кўпинча биринчи тўлдирарди-да! «Водийликдар пахтанинг пири бўлиб кетишган» деган ибора мақтов эмас, оддий бир таърифдек туюларди холос.

Эсимда бор: ҳали мактабга бормай туриб карвонлардан тўкилган ҳовуч-ҳовуч пахталарни қучоғимизга тўлдириб олардик. Уларни солиш учун симёғочларга илинган махсус яшикчаларга интилиб, бўйимиз чўзилган бўлса ҳам ажаб эмас! «Тўғри, биз кичкинтойлар бу ишни дастлаб катталардан мақтов эшитиш учунгина қилганмиз. Лекин бора-бора чинакамига пахтага меҳримиз тушиб қолган ва бу машғулот одат тусига айланиб, йўлдаги пахтани ерда ётган нондек шошиб ҳовучимизга оладиган бўлдик. Халқ бойлиги нондек азиз эканлигини мурғак диллар ҳам ҳис қиларкан-да! Эҳтимол, ростдан ҳам улкан карвонларда қолган жажжи бармоқларнинг излари Андижон пахтасига барака киргизгандир. Ахир ўша пайтларда халқимизнинг йиққан-тергани, топган-тутгани, кўрган-кечиргани фақат пахта эди-да!

Мен юртдошларимиз маррага ғолибона юриш билан етиб келган қутлуғ бир кунда пахтанинг машаққатларини эмас, пахтазордан олган сабоқларимни хотирламоқчиман.

Феълимиз пахтазорда кенгайган. Пахта туфайли йўқотганларимиздан кўра топганларимиз кўпроқдир. Биз меҳнатни шуҳрат деб, обрў деб эмас, шараф деб, бурч деб, ҳаёт деб тушунган фидойи кишиларни илк бор пахтазорда учратганмиз. Кетмон билан тракторнинг, уй билан шийпоннинг фарқини — далада юриб тушунганмиз. Биз кашта тикишни, рўмолча тўқишни тўгаракда ё мактаб партасида эмас, тушлик пайтлари шийпонда ёки пахтазор пойлоқчилари бўлмиш тутларнинг соялари остида ўтириб ўрганганмиз. Ёмғирнинг ҳидини, олма мазасию, беҳи сувининг таъмини пахта териб юриб кашф қилганмиз.

Пахтазор одамларни бирлаштиради. Бир-бирига меҳрибон қилиб қўяди. Белига этак боғлаб эгатга тушган киши ўз-ўзидан жўраъатли, шиддатли бўлиб қолади.

Яна бир гап: бизни меҳнатимизга тўланадиган ҳақ эмас, терган пахтамизнинг вазни кўпроқ қизиқтирарди. Оиланинг ҳар бир теримчиси ўзича дафтар тутиб терган кунлик пахтасининг килосини ёзиб борарди. Мен бу жўнлигимиз, ғуллигимиз, соддалигимиз билан мақтанмоқчи эмасман. Шунчаки эслаяпман, холос!

Балки ҳозирги теримчилар бошқачароқдир. Уларни манзилга ошиқтирган омил моддий манфаатдорлик — иш ҳақининг ўз вақтида берилиб турганлиги бўлгандир.

Бундан 15-20 йиллар бурун Андижоннинг Манноб Жалолов, Ҳафиз Полвонов сингари қаҳрамонлари жуда машҳур эди. Уларни ҳам ўтдан олиб — сувга солдик. Балки терган 300 тонна пахталари қандайдир кўрсатмалар билан 1000 тонна деб эълон қилингандир. Бунинг учун уларни «сохта қаҳрамон» деб камситиш жоизмикин! Ўша пахтакорларнинг баҳорни ҳам, қишни ҳам далада қаршилаганини, далада ухлаб, далада уйғонгани кўпчиликка маълумку! Мен бу сўзларни талабалик давримизда Манноб Жалолов меҳнат қилаётган давлат хўжалигида пахта терганимиз, у кишининг фидойи бир инсон эканлигига гувоҳ бўлганлигим учун ёзяпман.

Андижон пахтасининг юксалишида Асака, Шаҳрихон, Булоқбоши, Избоскан, Пахтаобод, Марҳамат туманлари пахтакорларининг меҳнати таҳсинга сазовор. Асакалиқлар атиги 20 кунида фақат қўл терими билан маррага етиб келиб, Ўзбекистон омборига 15,5 минг тонна сифатли хом ашё армуғон қилдилар.

Мен ернинг дардини биладиган, пахтанинг тилини тушунадиган ёшлар, деҳқон меҳнатини қадрловчи, эъзозловчи одамлар кўпайишини хоҳлайман. Эътиқод ва шижоатигагина эмас, пахтакорнинг турмуш маданиятига, маънавиятига ҳам ҳавас қиладиган кунлар тезроқ келишини истайман.

Замира ЭҒАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бўз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари вилоят пахтакорларининг ғалабасига муносиб улуш қўшишди. Айниқса, Алишер Солиев бошлиқ бригада аъзолари режани анча ошиғи билан бажаришди. Бунда илғор теримчиларнинг ҳиссаси катта. Замирахон Умарова ана шундай илғорлардан бири. У ҳар куни хирмонга 120-130 килограммдан пахта тўкмоқда.

Суратда: Замирахон Умарова.
Х. АРАББОЕВ олган сурат.

***

Пахтаобод туманидаги «Маданият» агрофирмаси деҳқонлари бу йил «Қирғиз-3» навли пахтадан мўл ҳосил кўтаришди. Нўъмонжон Қирғизов бошлиқ бўлим пахтакорлари эса хўжаликда илғорликни қўлдан беришмаяпти. Ҳар бир механизатор кунига 8-9 тоннадан пахта термоқда. Механизатор Баҳодир Суйгунов эса кўпчиликка ибрат бўлаётир.

Суратда: бўлим бошлиғи Нўъмонжон Қирғизов ва бригада бошлиғи Жаҳонгир Суюнов.

Тўраҳон ҒАФУРОВ олган сурат.

Партия ва ҳаёт

КЕНГАШИБ ИШЛАГАНГА НИМА ЕТСИН

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгашининг ҳудудий партия ташкилотлари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича олиб бораётган тажрибаси ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Даставвал бу борада Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши биринчи котиби Маъруф Усмоновнинг маърузаси тингланди. Сўнгра туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Меливой Арсланов, «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалла оқсоқоли Эгамназар ота Қодировлар маҳаллаларда ҳудудий партия ташкилотининг мавқеи, вазифалари ҳақида қисқача гапирдилар.

Мажлис иштирокчилари бугунги бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг кам таъминланган қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг: «Айрим соғлиқни сақлаш ва халқ таълими объектларига партия ташкилотларининг оталиғи тўғрисида»ги қарори маъқулланди. Мазкур қарорга биноан ҳар бир туман кенгаши ўзи оталиққа олган объектларда бажарилаётган ишлар ҳақида шаҳар кенгаши ижроия бюроси мажлисида доимий равишда ҳисобот бериб туришга келишиб олинди. Бундай иншоотларга: Юнусобод туманидаги 104- мактаб-интернат, А. Икромов туманидаги 13 туғуруқхона, Яккасарой туманидаги 23- болалар уйи киради.

Бу каби хайрли ишлар шаҳар кенгашининг партиямиз ташкил топганлигининг тўрт йиллигига бағишланган анъанавий тадбирларидан биридир.

Шунингдек, бюро мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари С. Рашидова, А. Тошпўлатовлар қатнашиб, Олий Мажлис учинчи сессияси материаллари ва бугунги кунда партия кенгашлари, фаоллар янгича куч-ғайрат билан ишлашлари лозимлигини таъкидлашди.

Олий Мажлис депутати С. Рашидова ҳудудий ташкилотлар ишининг самараси, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларини амалга оширишда туман партия кенгашининг фаолияти катта аҳамият касб этишига тўхталар экан, яқинда Пекинда бўлиб ўтган жаҳон хотин-қизлар конгрессида кўтарилган муаммолар, конгресс иши ҳақида ҳам сўзлаб берди. Бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки ва уларнинг тутган ўрни хотин-қизлар кенгаши ва партия ташкилотлари ўртасида қарор топган ҳамкорлик ҳамда ёшларни тарбиялашда маҳаллаларнинг аҳамияти юқорилигига ҳам тўхталди.

Шаҳар кенгаши мажлисида пойтахт партия ташкилотлари ҳаётига оид бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шавкат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими.

Мутахассислар маслаҳати

КЕСКИН БУРИЛИШ ЯСАЙДИ

Мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришишда, ҳосилни тез ва соз ўриб-йиғиб олишда шоли комбайнларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳамма билади. Аммо аниқлашимизча, шоли ўриб-йиғиб олиш техникасининг паспорт имкониятларидан ҳали амалда тўла-тўкис фойдаланилмаётир. Атиги 60-70 фоизи ва ундан ҳам камроғи ишга солиняпти. Иш сифатига келсак, агроталаблар сатҳидан ҳам паст. Шуни айтиб ўтиш керакки, комбайнларда ҳосилнинг 10-20 фоизи нобуд бўляпти. Донни янчишда эса, бу кўрсаткич 30 фоизгача етади. Республика бўйича шоли ҳосилдорлиги ўртача 35 центнерни ташкил этиб келмоқда. Бу эса ишда кескин бурилиш ясашни талаб этади. Ҳозир шолини ўриб-йиғиб олишда тўғридан-тўғри ҳамда алоҳида ўриб олиб, кейин янчиш усули мавжуд. Маълумки, шоли ўримида асосан СКД-6Р «Сибиряк», «Енисей-1200Р» маркали шоли комбайнлари, алоҳида ўриб-йиғиб олиш усулида эса ЖРК-5, ЖСК-4А, ўзи юрадиган ЖРС-5 ўроқ машиналари ва СКД-6Р «Сибиряк», «Енисей-1200Р» комбайнлари ишлатилади. А-54-102 барабанли ва ПРТ-3 транспортли подборщиклар билан мослаштирилади. Институтимиз изланишларида шу нарса аниқландики, шоли ўримида уларни янгидан жиҳозлаш ва мукаммаллаштириш ҳисобига унумдорликни ошириш мумкин.

Аввало етилган шолини ўришни бошоқларида 85-90 фоиз дони тўла пишганда бошлаш керак. Шолининг намлиги 25 фоиздан ошмаслиги керак. Уруғлик шолини ўриш эса донлари 95 фоиз пишганда бошланади. Шолининг тезпишар ва ўртапишар навлари 8-10 кунда, кечпишар навлари эса 10-12 кунда саранжомлаб олиниши лозим.

Ўрилмаган бошоқлардаги ҳосил нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун ётиб қолган шолида анғиз баландлиги 5-8 сантиметрдан ошмаслиги керак. Поя массаси уюм узунлиги бўйича бир меъёрда, узмасдан тақсимлаб борилади. Уюмнинг эни комбайннинг янчиш мосламасига мос келиши керак. Уюмлар бир меъёрда узатилиб, комбайннинг янчиш мосламаси ишининг технологик жараёнини бузмаслиги керак. Бунда имкон борича дон исрофгарчилигига йўл қўймаслик, масалан, комбайнларнинг янчиш мосламасидаги дон исрофи 1,5 фоиздан, бурдаланиш ва оқланиш 4 фоиздан ошмаслигига эътибор бериш керак. Доннинг органик ва минерал аралашмалар билан ифлосланиши аввал ўриб, кейин янчишда 5 фоиздан, тўғридан-тўғри янчишда эса 6 фоиздан ошмаслиги талаб этилади.

Ғ. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
З. ЖУМАНОВ,
илмий ишлар бўйичча муовин, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.
А. РАҲИМОВ,
механизация лабораторияси мудири.

Хабарингиз борми?

ТЎҚҚИЗ ЮЗ ХИЛ МОЛ

Ғалларол туман савдо ҳиссадорлик жамиятида «Янгиқўрғон» супермаркети иш бошлади. Жаҳон тамойилида иш юритадиган савдо корхонасида аҳоли эҳтиёжи учун зарур 900 хил мол сотилмоқда. Маҳсулотларнинг 80 фоизи чет эл мамлакатларидан келтирилганлиги харидорларда, айниқса, қизиқиш уйғотмоқда. Супермаркетни бадиий жиҳозлаш учун 400 минг сўм сарф қилинди. Харидорларнинг ўзлари ёқтирган молларини танлаб олишлари учун қулай имкониятлар яратилган. Айниқса доривор ўсимликлардан қайнатма ва дималамалар тайёрлаб берадиган фитобар ташкил этилганлиги аҳоли учун айни муддао бўлди. Ҳозир бу бўлимда қариб юз хил доривор ўсимликлар табиий ҳолда харидорларга сотилаяпти.

— Корхонамизни шартнома асосида маҳсулот билан таъминлашни йўлга қўйганмиз, — дейди супермаркет раҳбари Равшан Тўйчиев. — Харидорларимиз хориждан келтирилган маҳсулотлардан баҳраманд бўлмоқдалар. Савдо пештахталарини сероб қилиш учун 5 та бўлим доимий иш олиб бормоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Яқинда Тошкент Давлат университетининг маданият саройида Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети республика Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди. Анжуман қатнашчилари ва Ўзбекистон Республикасидаги қозоқ, тожик, туркман, қирғиз миллий марказларининг вакиллари ўз сўзларида Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, маданий алоқаларининг қадимий илдизлари, уларнинг ҳозирги босқичи ҳақида гапирдилар. Нотиқлар халқларимизнинг ҳаёти, урф-одатларини илмий жиҳатдан ёритиш ва қадриятларимизни тарғиб қилишда миллий адабиётларнинг аҳамияти, «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг келиб чиқиши омиллари ва бу ҳаракатнинг қадриятларимизни тиклашдаги аҳамияти, байналминалчиликнинг илдизлари ва ҳозирги байналминалчилик ҳақида кенг фикр юритдилар.

БИТИМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Фаластинга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини бериш тўғрисида Исроил билан Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) ўртасида шу йилнинг 28 сентябрида имзоланган битимни қўллаб-қувватлади ва бу хусусда баёнот берди. Албатта Исроил ва Фаластин муносабатларидаги бу ўзгариш кўпчиликни қувонтириши табиий.

Яқин Шарқдаги бу ижобий ўзгариш Осиё қитъасида тинчлик ва барқарорликни сақлашда катта аҳамиятга эгадир, дейилади баёнотда.

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

Қозоғистон Республикаси ҳукуматнинг фаолияти якунлари ва ислоҳотларни чуқурлаштириш режасининг бажарилиши масаласи кўриб чиқилди. Бош вазир А.Кажегелдин ҳукумат режасини бажариш борасидаги ишлар ҳақида гапираётиб, иқтисодиётни барқарорлаштириш борасида эришилган муайян ютуқларни қайд этди. Масалан, икки йил аввал

Қозоғистонда пулнинг қадрсизланиши 2260 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1258 фоизни ташкил этди. Бу йил эса янада камроқ — 58 фоизга тушиши кутилмоқда. Республикада ўртача ойлик иш ҳақини АҚШ доллари билан ҳисоблаганда 94,4 долларга етди. Ташқи савдо борасида ҳам сезиларли ютуққа эришилди. Шу йилнинг ўзидаёқ 3 миллион долларлик савдо-сотиқ ишлари амалга оширилди.

Бироқ айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бу ҳақда мамлакат Президенти Нурсултон Назарбоев танқидий фикрлар билдирди.

Айниқса, ижтимоий соҳада қупроқ камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, ишсизлик масаласи унчалик ҳисобга олингани йўқ. Энг муҳими, одамлар ойлик маошларини ва пенсияларини вақтида олишолмади. Давлатнинг аҳолидан қарзи 30 миллиард тангадан ошиб кетди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ён қўшнимиз — Тожикистонга ҳамиша ёрдам қўлини чўзиб келган. Зеро, қўшнинг тинч — сен тинч, деганларидек халқимиз тожик дўстларимизни ҳеч қачон унутмайди.

Яқинда Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонга 15 вагон дон ва 100 тонна ёнилғидан иборат навбатдаги инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

ҲУКУМАТ ЯНГИЛАНИШЛАР ТАРАФДОРИ

Қирғизистон Бош вазири Апас Жумагулов яқинда бўлиб ўтган тадбиркорлар билан учрашувда тижоратчи, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи тадбиркорларни ишлаб чиқариш билан шуғулланишга даъват этди.

Мамлакатда солиқ тизимини ислоҳ қилиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу иш албатта тадбиркорларнинг таклиф ва истакларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Солиқ тизимида айниқса қўшимча даромаддан олинадиган солиқ, фойдадан олинадиган солиқ, янги акциз сиёсатини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Умуман ҳамма турдаги солиқлар миқдори 30 фоиздан ошмаслиги кўзда тутилаётир. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик майдонларидан фойдаланиш учун ягона ер солиғи ўрнатилиши кутилмоқда. Бош вазирнинг айтишича қараганда бу ҳамма учун, айниқса тадбиркорлар учун қулайлик яратади.

НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳрида Осиё мамлакатлари кубок эгалари кубоги учун навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Бунда маҳаллий «Турон» командаси Ўзбекистоннинг «Янгиер» командасини қабул қилди. Қизиқарли спорт қурашлари остида ўтган бу ўйинда ҳисобни меҳмонлар очишди. Лекин ўйин охирига келиб 10 мингдан зиёд томошабин шодликдан ҳайқиришди.

Чунки мезбонлар жавоб тўпини киритишганди. Шунга қарамай янгиерликлар кубок учун ўйиннинг навбатдаги поғонасига чиқдилар. Энди улар Эроннинг «Талаба» командаси билан икки бор учрашишади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Қадриятларимиз

СОҲИБҚИРОН РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги арафасида жойларда қизғин тайёргарлик кетяпти. Айниқса, бу борада Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Қарши, Яккабоғ, Шаҳрисабз шаҳарларида соҳибқирон замонига мансуб тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари кенг қуламда олиб борилаётир.

Вилоят ҳокимининг қарори билан ўтказилаётган шанбалик Амир Темур вилоят жамғармасининг моддий имкониятларини янада мустаҳкамланишига сабаб бўлди. Бунга Муборак, Косон, Нишон, шаҳрисабзликлар муносиб улуш қўшдилар.

Шу куни жами 11 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилди. Шу маблағнинг икки миллион сўмга яқини Амир Темур жамғармаси ҳисобига ўтказиладиган бўлди.

Илҳом ҚАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Боболаринг анойи эмас...

Шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний таҳрири остида

МОШ

Форсий ва туркий ҳам мош дер.

Ва анинг хосияти то уч йилгача ўзида турар.

Ва мош аҳлоти солиҳа (яхши хилтлар) ни пайдо қилур. Ва анинг пўсти олингани кеч ҳазм бўлур. Нечунким анинг хосияти пўсти биландур. Мош таоми томурларга қувват бериб, кўзни равшан қилур. Ва иссиқликдин пайдо бўлган бош оғриғини, назлани ва шишни ва иссиқликдин пайдо бўлган ўқсурук(йўтал)ни дафъ қилиб, ичакнинг ва буйракнинг иллатларига нафиъдур, нечунким, бу мазкурларга мувоффиқдур. Ва мош тоами мижози совуқ бўлгон кишига ва қари одамларга ва одамеким, меъдасида рутубат ва аҳлоти фосида (бузуқ ҳилтлар) кўб бўлуб, ичи дам бўлса, андоқ кимарасаларга зарар қилур.

Ас-Саъиду - С-САМАРҚАНДИЙ.

ДУО ОЛТИН ЭМАСМИ?

Агар кимса ҳар номоздан кейин 33 маротаба «Йо Валий» деса, Ҳақ Таоло ҳамма халқни бу кишига меҳрибон қилгай.

«Ал-Мажид» — бу исмни ўқумоқ ул кишига муносибдурки, жаҳли ёмон, тили ёмон бўлса, ёмонлик жиҳатлар йўқ бўлгай.

«Ал-Мубдий» — бу исмни Ҳазрати Имом айтурларки, ҳар ким бир иш қилай деса, ул бу исмни 55 маротаба ўқуб, андин кейин иш бошласа, албатта, кўнгилдагидек бўлур, ҳар киши фарзанд талаб қилса, эр-хотин иккаласи бу исмни фарзандининг талабига ўқиб юргай. Ётар вақтида кўнглида бу исмни ёд қилса Ҳақ Таоло фарзанди солиҳ бергай. Агар мазлум кишининг туғиши мушкул бўлса, бу исмни ул маҳалда ул мазлум ёдлаб ўтирса туғиши осон бўлур.

Аломат гаплар

ҚИРҚ ЙИЛ ҚИРҒИН БЎЛСА

Кексаларимиз айтмоқчи: «У ёғи маҳкам бўлса инсон боласи яшайвераркан». Бўлмаса, Азов денгизининг Тагонрог кўрфази яқинидаги Новолакедемоновка қишлоғида истиқомат қилувчи Иван Пархоменко ўзининг аср ёшини нишонлармиди? Ваҳолонки, бу киши 1944 йили урушда, 49 ёшини нишонлаган пайтда оғир яраланган. Бомба парчаси юраги яқинига жойлашиб қолган. Шифокорлар жарроҳлик йўли билан уни олиб ташлашнинг эпини қилишолмаган. Кейин улар ярадорга: «Умрингиз борича яшайверинг» деб қўя қолишган. Умри бор экан Иван оз эмас кўп эмас 100 йилдан бери яшамоқда.

ЗАҲАР «ТУГИЛГАН» ТУГМАЧА

Англиянинг Шеффил шаҳрида истиқомат қилувчи Роберт Диксон деган киши умри бино бўлибдики, турли тугмачаларни йиғиб юрар эди. Унинг жамғармасида хат ташувчидан тортиб, гвардиячиларнинг тугмачаларигача бор. Яқинда у Таиланд миршаблари кийимларига қадаладиган тугмачалардан ўнтасини олган эди. Роберт бу тугмачаларни текшириб ўтириб, қизиқ аҳволга тушди. Чунки, тугмачалардан бирининг қатини оҳиста очганда, унинг ичида аллақандай кукун борлигини пайқади. Текшириб кўрилса, бу кукун бориб турган оғу — цианистий калий экан. Ҳозир бундай тугмача билан полиция ҳам қаттиқ қизиқиб қолди.

Спорт

СУВГА ЕТГАНДА КЎЗА СИНМАСИН

Эртага Осиё бокс чемпионатининг ҳал қилувчи учрашувлари бўлади

Осиёнинг турли мамлакатларидан юртимизга меҳмон бўлиб келган моҳир боксчилар қарийб бир ҳафтадан бери ғолиблик учун куч синашмоқдалар. Зеро, рингга кўтарилган ҳар бир боксчи ўзининг имкониятларини расамади билан тасарруф этишга интилмоқда. Аммо омади юришган боксчиларгина чемпионат синовларига дош бериб, илгариламоқдалар. Бугунги кунда 150 га яқин боксчидан бор йўғи 24 нафари сараланди. Улар эртага якунловчи финал баҳсида сўнгги марта рингга кўтариладилар.

Албатта мусобақа Низомига кўра финалга чиққан ҳар бир боксчи Атланта олимпиадасига бориш ҳуқуқини қўлга киритади. Зотан, олимпиадага йўлланмани зарҳалга бўяшни ким истамайди, дейсиз. Яъни Осиё чемпиони бўлиб, кўксига олтин медаль тақиб, кейин олимпиадани кўзлаш нур устига аъло нур бўлса керак. Шундай деймизу, аввало финалгача етиб келишнинг ўзи бўлмайди. Чунки бу йўлда нимчорак, чрак ва ярим финал баҳсларида муваффақият қозониш зарур. Бунинг устига деярли дам олмай, кунда, кун ора рингга кўтарилиш, куч сарфлаш, маҳоратни намоён этишнинг ўзи бўладими? Ахир кўрдигу ютдим деб турганда беҳосдан зарбани ўтказиб юбориб, аросотда ўйиндан чиққанларни. У ҳам эмас, бу ҳам эмас омад деган нарса бор. Шундай боксчиларгина иборали қилиб айтганда манзил сари югурганлар орасида қоқилмай-сурилмай ғалабага бўлган чанқоқликларини қондириш учун сўнгги босқичга етиб келишди. Бу ёғи ўзларига боғлиқ. Энди ким кўзани синдирмай сувга тўлдиради-ю, ким аттанг деб қолади.

Юртимиз боксчиларининг ҳам бу борадаги мўваффақиятлари ярим финалга чиққанлар орасида дурустгина мавқега эга эди. Кеча финалга чиқиш учун ўзаро баҳслар бўлиб ўтди. Бу мусобақа кечки соатларда тугагани учун вакилларимиздан қайси бирларининг ҳал қилувчи учрашувга йўлланма олишгани ҳақида хабар беришдан ожизмиз. Лекин ярим финалга чиқишнинг ўзи ҳам маъқул гап. Чунки, бундай боксчи камида бронза медалини нақд қилиб қўйган бўлади. Хуллас мусобақада иштирок этган 12 нафар йигитимиздан тенг ярми ярим финал юзини кўрди.

Жумладан, 67 килограммли Наримон Отаев, 91 килограммли Руслан Чагаев, 60 килограммли Муҳаммадқодир Абдуллаев, 54 килограммли Темур Тўлаков, 71 килограммли Карим Тўлаганов ва 75 килограммли Дилшод Ёрбековлар ярим финалга чиқиб, курашни яна давом эттиришга астойдил бел боғлаб тургандилар. Осиё чемпионлари орасида йигитларимиз ҳам бўлади деб умид қиламиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

АКАСИНИНГ ҚОТИЛИ

Бўстонлиқ туманидаги Чимён қишлоғида яшовчи ўгай ака-укининг ораларидан нима гап ўтганини кўпчилик билмасди. Аммо 34 ёшли дуппа-дуруст йигит Саурбоевнинг ўз ўгай акасини лом билан бошига уриб ўлдириб қўйганидан кўпчилик хабар топди.

Ички ишлар ходимлари эса, қотил сифатида унинг ишини прокуратурага ошириб юбордилар.

ПУЛ СЎРАГАН ЙИГИТ

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида жойлашган Тошкент отчопарида бугун тужжорларнинг мусобақаси авжига чиққанидан кўпчилик бехабар. Мана шу кўпкарига отда эмас, КамАЗида Сурхондарёдан юк ортиб келган Муротовни бошига ташвиш тушиб қолди. Бобобеков деган шахс унинг бошқарувидаги КамАЗга ўғирликка тушди. Машина кабинасидан магнитофон колонкасини ечиб олди ва бу ҳам етмагандек, ҳайдовчини қўрқитиб ундан пул талаб қила бошлади...

Ажабланарли томони шундаки, пул сўраган йигит ҳайдовчининг юртдоши бўлиб чиқди. Сурхондарё вилояти Узун туманида яшовчи бу йигитнинг иши юзасидан ёзиладиган тергов баённомаси бошлаб юборилган.

ШАКАР ПОРА

Ҳа, кимдир пулни порага олса, бошқа биров буюмни олади. Яқинда Навоий тумани ички ишлар бўлимига шикоят билан келган уч кишининг дарди бир чиқди. Уларнинг айтган гаплари шу бўлдики, Кармана шаҳар матлубот жамияти сотувчилари бўлмиш бу уч оғайнининг фаолиятини текширишга келган ревизор уларнинг камчилигини яшириш мақсадида қуруғи ёки ҳўлидан эмас, балки боридан сўрабди. Яъни бу текширувчи уларнинг биридан 20 дона ароқ ва 50 кило шакар ва учинчисидан ҳам 50 кило шакар олибди.

Ревизорлар «оладиганини олиб» кетгандан кейин, ички ишлар ходимлари ҳам уни олиб кетган буюмлари билан қўлга олдилар.

СЎРАМАЛИКДАН СЎРАШАЯПТИ

Самарқанд темир йўл бекатида олиб борилган тезкор чоратадбирлар маҳалида Ургут тумани Сўрама қишлоғида яшовчи ишламайдиган У. М.нинг уйига сўраб кирган ички ишлар ходимлари у ердан 4 кило 450 грамм марихуана ва 150 грамм қорадори гиёҳванд моддалари топиб олдилар. Сўрамалик аканинг иши юзасидан тергов ҳам бошлаб юборилди.

БРИГАДИР ДОН ЎҒИРЛАБДИ

Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманида Темур Малик ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи Сайфуллаев ғалла майдонидан 2 тонна арпани ўғирлаган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан ҳам жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ОЛИБ ҚОЛИНГАН САРИМСОҚ ПИЕЗ

Тошкент вилоятининг Ғиштқўприк ДАН постида қозоғистонлик фуқаро Кожкеповнинг 3 тонна саримсоқ пиёзни олиб чиқиб кетаётганлиги аниқланди. Ҳозир бу ишнинг тафсилотлари билан қизиқилаяпти.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

«ИҚТИСОДИЁТ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Аввал қуйида таърифланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг. Жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларни таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммони ҳал этинг. Шуида юртбошимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида илгари сурилган ғоялардан бири аён бўлади.

ОЧҚИЧ: 1. Маҳсулот ишлаб чиқарувчининг маҳсулотда моддийлашган ижтимоий меҳнати — 12, 2, 19, 1, 6, 21.

2. Халқ хўжалигидаги пул маблағлари — 1, 7, 18, 2, 13.

3. Давлат бюджетига маблағ тўплаш шакли — 17, 6, 20, 1.

4. Олди-сотди муаммоси — 4, 6, 14, 4, 7.

5. Бирор киши ёки ташкилотга тегишли нарсадан фойдаланиш — 2, 15, 6, 3, 6.

6. Расмий ҳужжат тури — 11, 9, 14, 7, 10, 8, 7, 1, 6.

7. Маълум ишни амалга оширишдаги жамоатчилик ёрдами — 10, 6, 16, 6, 3.

Энди қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклга «занжир» ҳолида ёзиб, ўйланмани топинг.

1. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш. 2. Саноат ёки савдо уюшмаси. 3. Бозор иқтисодиётини амалга ошириш воситаси. 4. Ишчи кучини ёллаб, уйда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. 5. Мажбуриятни ўз зиммасига олган ҳолда ишонтириш. 6. Мамлакатимиздаги хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш жамғармаси. 7. Қадимий ер ўлчови. 8. Ўзбекистонда таркиб топаётган иқтисодиёт. 9. Тақсимотнинг ҳар бир кишига монанд келадиган усули. 10. Ҳиссадорлик жамияти фойдасининг акция эгасига тегишли қисми. 11. Савдодаги воситачи. 12. Хўжалик фаолияти турли жиҳатларининг миқдоран чекланиши. 13. Харид қилинган нарса ва бажарилган иш эвазига ҳақ бериш. 14. Қадри баланд сармоя. 15. Қимматбаҳо қоғоз. 16. Маълум мавсумда ўтказиладиган оммавий бозор. 17. Кимошди савдо бозори. 18. Харид ҳақини шу заҳоти тўлаш. 19. Ташкилот ёки айрим шахс ҳисобига ёзиладиган фойда. 20. Ишбилармон-воситачи савдогар. 21. Ерларни ижарага беришдан олинадиган фойда. 22. Бирор иш юзасидан олдиндан берилган маблағ. 23. Маблағ топиш мақсадида ерлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш. 24. Фирмалар билан ҳукуматлар ўртасида шартнома асосида тузилган бирлашма. 25. Кишилар ўртасида аниқ бир шаклда намоён бўлувчи иқтисодий муносабат. 26. Барқарор мулк. 27. Узоқ муддатли машина ва ускуналар ижараси тури. 28. Қадимда йирик савдогарларнинг жойлардаги вакили. 28. Орасталик буюмлари савдогари. 30. Бозор иқтисодиётида мутаносиблик учун кураш шакли. 31. Маҳсулотнинг иш ҳақи ва ишлаб чиқариш харажатларидан сўнгги қиймати.



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН» ЎЙЛАНМАСИ ЖАВОБЛАРИ

(Газетанинг 30 август сони)

1. Фарғона. 2. «Адолат». 3. «Тараққиёт». 4. Туркистон. 5. Нақшбанд. 6. «Дўстлик». 7. Китоб. 8. Бозор. 9. Рашидов. 10. «Ватан». 11. «Ньюмонт». 12. Тошкент. 13. Томорқа. 14. «Аспера». 15. Абулқосим. 16. «Мерседес». 17. Сум. 18. Мамажонов. 19. Вамбрен. 20. Иқтисодиёт. 21. Тинчлик. 22. Кўкдумалоқ. 23. Қадрият. 24. «Тафаккур». 25. Риштон. 26. Навруз. 27. Зарафшон. 28. Ноиб. 29. Байроқ. 30. Қозоғистон. 31. «Наво». 32. Оҳангарон. 33. Нукус. 34. Сиэтл. 35. Лаби ҳовуз. 36. Зомин. 37. Наманган. 38. «Навоийнома». 39. «Алпомиш». 40. «Шуҳрат». 41. Тест. 42. Туркия. 43. Яссавий.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 9

ЎзТВ I

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Баҳжаҳл Бамбр». Мультфильм.
17.50 «Қувноқлар даврасида».
18.20 «Олам ва одам».
18.40 «Ҳаракатда баракат». Публицистик кўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Футбол шарҳи.
19.40 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Театр ва замон». Адабий кўрсатув.
22.00 Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
00.20 Эълонлар.
00.25 — 00.50 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
19.30 «Излаган имкон топади».
20.00 «Кимга қанақа?»
20.45 «Спорт-тайм».
21.15 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
21.50—00.30 «Тақдир». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00—21.45

* * *

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.35—01.35

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» таништиради:

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси».
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — «О».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Қўрьер».
23.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
24.00 — 00.10 «Постфактум».

СЕШАНБА, 10

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Булбулча»нинг парвози». Фильм-концерт.
9.30 Немис тили.
10.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
10.30 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.00 Шифокор экрани.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг созандалари ижро этадилар.
12.30 Япон тили.
13.10—15.30 Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Қўнғироқча».
18.10 «Мен туғилган тупроқ».
18.25 «Буни умр дерлар...» Публицистик кўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.

19.25 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».

*

20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Пахтакорлар учун концерт.
21.50 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Совун ўғриси». Бадиий фильм (Италия).
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20—24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30—9.00

* * *

18.00—21.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.35—01.40

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Жаҳон ва биз».
22.00 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
23.00 — 00.10 «Ҳайвон ўргатувчи». Бадиий фильм.

ЧОРШАНБА, 11

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Руҳ».
9.50 «Буни ҳамма билиши керак».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 Бир актёр театри. Азиз Несин. «Пулимга яраш...»
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 Янги алифбони урганамиз.
12.30 «Созимиз — овозимиз». Мусиқий кўрсатув.
13.00 «Вазият».
13.30—14.55 «Совун ўғриси». Бадиий фильм.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Оила сабоқлари».
18.10 «Озоринг эмасму?» Абдурашид Воҳидов куйлайди.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Олтин мерос». Ибн Сино шеърлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Сурхондарё вилояти.
21.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Нефтчи».
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.40 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ўй ҳайвонот боғи».
18.55 «Кичик дебют».
19.25 «Абадий ёдгорликлар».
20.00 «02» тўлқинида.
20.25 «Тошкент оқшомида».
21.25—22.55 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30—9.00

* * *

18.00—21.45

* * *

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30—00.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Суянч».

«ОМАД» таништиради:

20.25 Эълонлар.
20.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.20 — 00.20 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 12

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Саргайган мактублар».
9.35 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 Ўзбек тилини урганамиз.
11.30 Ўқув кўрсатуви. География.
12.00 Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юрти талабаларининг концерти.
12.40 — 14.40 «Ёшлик» видеоканали.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Бу дамлар ўҳшар эртакка...»
18.10 Диққат премьера: «Феруза осмоннинг шайдосиман». Телефильм.
18.30 «Солиқ».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Бир дарёдан сув ичган...» Публицистик кўрсатув.
19.50 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Бир жуфт қўшиқ.
21.10 «Хотира». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Уктам Жобиров.

21.50 «Ҳаётнинг бошланиши». Бадиий фильм.

*

23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.40 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.00 «Теле-ателье-шоу».
19.10 Видео янгиликлари.
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05— 22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30—9.00

* * *

18.00—21.45

* * *

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25—00.20

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Тадбиркорлик мактаби».
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Шалом».
21.45 «Глобус».
22.15 «Умид» (уйғур тилида).
22.55 — 00.10 «Аёлни изланглар». Бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).

ЖУМА, 13

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Министр бўлмоқчиман». Бадиий фильм.
10.30 Немис тили.
11.00 «Бола бошидан...»
11.40 Ўзбек куйларидан концерт.
12.20 «Ўсмир ва қонун».
12.55 «Фан ва ишлаб чиқариш».
13.25 — 14.50 «Меҳр кўп кўргаздим». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.40 «Сиҳат-саломатлик». Телевизион журнал.
18.10 Мусиқий дақиқалар.
18.25 «Тафаккур ёлқинлари». Публицистик кўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.

19.25 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».

*

20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Назм ва наво». Фурқат лирикаси.
21.50 «Фидойилик». Бадиий фильм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Ёшлар ижро этадилар.
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Деҳқон ҳиммати».
19.55 «Бизнес-академия».
20.20 «Тошкентнома»
21.20 — 22.50 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30—9.00

* * *

18.00—21.45

* * *

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30—02.00

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» таништиради:

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кулгига нима етсин!».
21.15 «Автосалон».
21.35 «Америка юлдузлари».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Даракчи».
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — «О».

ШАНБА, 14

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Н. Осипова. «Ўрик гуллаганда». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
10.10 «Болалар меҳмонхонаси». Ҳаким Назир таваллудининг 80 йиллигига.
10.40 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
11.15 «Истеъдод байрами».
11.55 «Кино таҳририят» почтасидан.
12.40 — 14.40 «Маънавият» видеоканали.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Бахтли Григорий». Мультфильм.
17.40 «Ўйла! Изла! Топ!»
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Саид Аҳмад. «Йўғон тепа». Теленовелла.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Пахтакорлар учун концерт.
21.40 «Учрашув». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Комилов.
22.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Коллекция».
19.40 «Пульс». Хабарлар.
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.55 «Менинг кўчам».
21.10—22.40 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00—21.45

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.45—01.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Мюзик-холл».
10.30 «Ўрмонлар оша, тоғлар оша». Болалар учун фильм.
11.40 «Ишбилармон».
12.10 Ҳужжатли фильм.
12.40 — 13.10 Мусиқий учрашувлар.

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Замин қалбига қулоқ тут». Ҳужжатли фильм.
20.50 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.35 «Подиум».
21.55 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.05 «Безнен мирас» (татар тилида).
22.45 «М» — хабар.
22.55 «Бу ажиб дунё».
23.15 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.25 — 00.35 «Аёлни изланглар». Бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

ЯКШАНБА, 15

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Қушиқларим сизга армуғон».
11.30 «Қувноқ стартлар».
12.15 «Ҳақ сўзни дегил...» Исҳоқ Ўктамов.
12.45—14.45 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
18.05 «Эътироф».
18.35 «Ойнаи жаҳонда...»
18.55 Эълонлар.
19.00 «Панорама» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблининг концерти.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Нефтчи».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Шаханшоҳ». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1—2-сериялар.
01.30 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
10.30 «Теле-ателье-шоу».
10.40 Видео янгиликлари.
11.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».

***

17.00 «Совға».
17.30 «Жаҳон географияси».
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео—«О».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Қўрьер».
20.30 «... яна об-ҳаво ҳақида».
20.40 «Постфактум».
20.50 «Компьютер-Осиё».
21.20 «Кулгига нима етсин!»
21.45 Америка юлдузлари.
22.15 Эълонлар.
22.20 «Даракчи».
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.15 Видео—«О».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00—22.50

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.55—00.35

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам».
10.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.15 «Булоқлар кўз очганда».
12.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.45 «Табиат ёдгорликлари». Телефильм.
13.15 — 14.30 «Ўзинг билан олиб кет». Бадиий фильм.

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

20.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.05 «Туркистон — умумий уйимиз». «Айтишув-95».
22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.15 «Манбалар».
22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.05 — 23.40 «Халқ анъаналари». Ҳужжатли фильм.



Қишлоқ улови. Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни томонидан 1994 йилда Мирзаулуғов Баҳодир номига берилган № 014484 рақамли диплом ҳамда ТП № 590930 рақамли меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси жамғарма раиси, «Саодат» журнали бош муҳаррири Ойдин Ҳожиевага опаси **Нарзибиби КАМОЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг расмий нашри

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хай